

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

Қўлёзма ҳуқуқида  
ББК 67.400.6

ВОҲИДОВ ЗОҲИДЖОН ТОШПЎЛАТОВИЧ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҲОКИМИЯТ  
БЎЛИНИШИ ПРИНЦИПИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Ихтисослик: 12.00.02.-Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви;  
маъмурий ҳуқуқ; молия ҳуқуқи

Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш  
учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент - 2000

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси  
“Давлат қурилиши ва ҳуқук” кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар:

*юридик фанлари доктори, профессор*  
ХУСАНОВ ОЗОД ТИЛЛАБОЕВИЧ

Расмий оппонентлар:

*юридик фанлари доктори, профессор*  
ХАЛИМ БОБОЕВ

*юридик фанлари номзоди*  
БАҲТИЁР ПУЛАТОВ

Етакчи ташкилот:

*Фаргона Давлат Университети*

Химоя Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси  
(700003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох кўчаси, 45)  
қошидаги фан доктори илмий даражасини олиш учун  
диссертация химояси бўйича Д.005.10.01.  
Ихтисослашган Кенгашнинг 2000 йил “25”  
*Инвар* куни соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси  
Президенти хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши  
Академиясининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2000 йил “21” *декабр* да  
тарқатилган.

Ихтисослашган Кенгаш  
илмий котиби, тарих  
фанлари доктори, профессор

*Ш.Махмудбеков*  
Ш.МАХМУДБЕКОВ

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Тадқиқот мавзуининг долзарблиги. Ўзбекистон Давлат мустақиллигига эришгач жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, ўз тараққиёт йўлидан босқичма-босқич илгарилаб бормоқда. Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдир<sup>1</sup>. Ушбу мақсадга эришиш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда бир қатор вазифаларни амалга ошириш зарур.

Сиёсий соҳадаги асосий вазифалардан бири «халқнинг турмуш тажрибасига, республика аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократия принципларини қарор топтиришдир».<sup>2</sup> Бундай принциплар мавжуд бўлган давлатда инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Бундай жамиятда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун, унинг фаровон турмушини таъминлаш учун хизмат қилади.

Табиийки, қандай қилиб шундай давлат қуриш мумкин, давлат механизми қай йўсинда ташкил этилиши керак ва қандай тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши лозим деган савол туғилади.

Бу саволга жавоб бериш учун жаҳон тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келади. У шунини кўрсатмоқдаки, қасрда инсон эркинлиги поймол этилаётган, диктатура ва зўравонлик ҳукмронлик қилаётган бўлса, ўша ерда жамият ва маънавиятнинг инқирози, иқтисодиётнинг издан чиқиши, турмушнинг оғирлашуви ва пировардида

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.- Т.: Ўзбекистон, 1996. 177-бет.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1993. 43-бет

давлатнинг емирилиши муқаррар бўлаётир. Ғарих тоталитар тузум барқарор ривожланишни, шахс ва жамият юксалишини ҳамда ҳокимиятни халқ манфаати йўлида ижро этишни таъминлай олганини билмайди. Ҳаттоки, диктатура тараққиётни таъминлаш воситаси баҳонаси билан ўрнатилган тақдирда ҳам, у ўз ваъдаларини бажаришга ва амалга оширишга эришмаётир.

Ушбу муаммони ҳал этиш усулларидан бири ҳокимиятлар бўлиниши принципини ҳаётга тадбиқ этишдир. Шунинг учун мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисоласида «миллий давлатчиликни барпо этишда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш»<sup>1</sup> муҳимлигини бежиз таъкидламаган эди.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши-давлатда ҳуқуқнинг ривожланганлик даражасини кўрсатади. Ушбу принципнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлади. Мазкур принципнинг қўлланиши ҳокимиятни суиистеъмол қилинишининг олдини олади, фуқароларни мансабдор шахсларнинг тазйиқидан ҳимоя этади, давлат идораларининг самарали фаолият кўрсатишига шарт-шароит яратади.

Таъкидлаш жоизки, ҳокимият бўлиниши принципи барча муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли, қандайдир сирли таёқча эмас. Бироқ, жаҳон тажрибасига кўра, ҳокимият демократик механизмнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини ҳокимиятлар бўлиниши принциписиз тасаввур қилиб бўлмайди ва бунда ушбу принципнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши ҳам шарт эмас. Муҳими унинг ҳаётда, амалиётда қўлланишидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. Ўзбекистон, 1993. 43-бет.

Мазкур принципнинг ривожланган давлатларда давлат ҳокимиятини ташкил этишда кенг қўлланиши, Ўзбекистоннинг янги Конституциясида унинг мустақамлаб қўйилганлиги, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг ўзаро бир-бирига таъсир этиш ва бир-галликда фаолият кўрсатиш масалаларини Ўзбекистон тажрибаси асосида чуқур ўрганиш зарурлиги, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш устивор вазифалардан бири сифатида эътироф этилаётгани танланган мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Мавзунинг ишланганлик даражаси. Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳуқуқий демократик давлатнинг зарурий шarti, фуқароларни мансабдор шахсларнинг таййиқидан ҳимоя этиш ва ҳокимият суиистеъмол қилинишининг олдини олиш воситаси сифатида ҳамиша тадқиқотчилар диққат-эътиборини тортиб келган. Буржуа классик олимлари томонидан таълимотлар яратилган, марксистлар ушбу назарияга оид асарларини баён этганлар. Аммо, собиқ тоталитар жамиятда ҳокимиятлар бўлиниши тўғрисидаги таълимотнинг илмий ва амалий аҳамияти нотўғри талқин этиб келинди. Коммунистик мафкура мавжуд бўлган даврда давлат тузуми, шунингдек унга хизмат қилувчи фан бу таълимотга қарама-қарши бўлган концепцияга асосланди. Ушбу концепциянинг асосчиси бўлган Ленин “совет ҳокимиятини мустақамлаш ва ривожлантириш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларни бирлаштиришни, бошқарувни қонун яратиш фаолияти билан қўшиб юборишни тақозо этади” деб ёзган эди. Амалда давлатнинг барча муҳим қарорлари ҳукмрон партия томонидан қабул қилиниб, сўнгра қонун чиқарувчи ёки ижро этувчи, ёхуд суд ҳокимияти орқали расмийлаштирилар эди.

80-йилларнинг ўрталарига келиб ҳокимиятлар бўлиниши масаласи кун тартибига қўйилиши билан

ҳокимиятнинг уч тури тан олинди, бироқ уларнинг ўзаро тенглиги ва тўла мустақиллиги эътироф этилмади. Бир вақтнинг ўзида ҳам ҳокимиятлар тақсимланиши принципини, ҳам вакиллик органларининг ижроия органларидан устунлигини жорий этишга уринувчи концепциялар пайдо бўлди. Мустақилликка эришилгандан сўнг янги Асосий Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилиши билан ҳокимиятлар бўлиниши тамойили мамлакатимизда кенг тадқиқ этила бошланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи назарий ва амалий жиҳатдан республикамизнинг бир қатор ҳуқуқшунос олимлари, жумладан Ш.Ўразаев, А.А.Азизхўжаев, О.Т.Хусанов, А.Х.Саидов, З.Исламов, Х.Т.Одилқориев, К.Жумабаев, А.Болтаев ва қўплаб тадқиқотчилар томонидан таҳлил этилган. Л.М.Энтин, А.М.Барнашов, В.Е.Чиркин ва бошқа россия олимлари мазкур принцип моҳиятини атрофлича ёритганлар.

Мазкур принцип доирасида ҳуқуқий давлат тушунчалари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тўғрисида айрим файласуфлар, тарихчи олимлар қатор мақолаларида ўз фикр мулоҳазаларини билдирганлар.

Шу билан бирга аввалги тадқиқотлар асосан ижтимоий-сиёсий таҳлилларга қаратилган бўлиб, мазкур илмий ишда миллий давлатчилик тарихига мурожаат қилиш орқали муаммо ечими изланади. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Ҳокимиятлар бўлиниши назариясини таҳлил этишдан кўзланган асосий мақсад мустақил Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти идоралари тизимида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг тутган ўрни, аҳамияти ҳамда ўзаро бир-бири билан муносабатини аниқлаб беришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун:

- ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги таълимотнинг

тарихий манбаларини келтириш;

- миллий давлатчилик шаклланишида ҳокимият тўғрисидаги тушунчаларнинг ривожланишини ёритиб бериш;

- ҳокимият бўлинишининг моҳияти ва тамойилларини кўрсатиб бериш ҳамда турли бошқарув шаклидаги давлатларда ушбу принципнинг амалга оширилишини таҳлил этиш;

- Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципининг ҳуқуқий асосини кўрсатиб бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимият бўлиниши принципининг қандай ифода этилганлигини таҳлил қилиш;

- ҳокимиятлар тақсимланиши принципини маҳаллий давлат органларини ташкил этиш жараёнига тадбиқ қилиш борасидаги муаммолар ечимини топиш;

- қонулар, ҳуқуқий рисолалар, мақолалар ва улардаги турли фикр-мулоҳазаларни таққослаш асосида ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ва тавсияномалар ишлаб чиқишдек вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг кучли ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳақидаги гоялари, давлат қурилиши ва бошқарувини ислоҳ қилишга бағишланган асарлари, суверен демократик давлатимизнинг биринчи Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”, “Маҳаллий бошқарув органларини қайта ташкил этиш тўғрисида”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Судлар тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги ва бошқа қўлаб қонуллари диссертациянинг назарий ва услубий асослари бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида тарихий-тадрижий, сиёсий-

ҳуқуқий таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Шу туфайли хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш, ёритилган мавзу бўйича уларнинг ижобий томонларини аниқлаш имконияти тугилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий демократик давлатнинг зарур шартли сифатида давлат органлари ўрғасида ҳокимиятнинг тақсимлаб қўйилганлиги, танланган мавзу миллий давлатчилик тарихи нуқтаи назаридан ёритилганлиги, тадқиқот давомида Ўзбекистон ҳудудида дастлабки давлатлар пайдо бўлгандан бошлаб ҳозиргача бўлган даврда ушбу муаммо қай тарзда ҳал этилгани атрофлича таҳлил қилингани билан белгиланади.

Диссертациянинг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертация хулосаларидан “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Давлат ва жамият қурилиши назарияси”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари” фанларида ўқув қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин. Ишнинг амалий аҳамияти “Ўзбекистон Республикаси маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия органлари фаолиятини ташкил этиш”, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш” каби мавзуларда ўқиладиган махсус курсларда намоён бўлади. Айни пайтда диссертациянинг муайян хулосаларидан олий ўқув юртларида сиёсатшунослик, социология, давлат ва ҳуқуқ назарияси сингари умумий курслар доирасида ўтиладиган “Жамиятнинг сиёсий тизими”, “Давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг конституциявий асослари”, “Халқ ҳокимиятчилиги”, “Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари” каби мавзуларни ўқитиш борасида ҳам фойдаланиш мумкин. Диссертация материаллари олий ўқув юртларнинг демократик жамият қуриш кафедраларида шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши



Академиясида, Тошкент Давлат юридик институтида, вилоятлардаги Давлат университетларида ҳуқуқий демократик давлат куриш, фуқаролик ва адолатли жамият барпо этиш муаммоларини ўрганишда ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда хизмат қилиши мумкин.

Ишнинг тузилиши. Диссертация кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзунинг долзарблиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, услубий ва назарий асослари, илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, унинг синовдан ўтганлиги очиб берилган.

Диссертациянинг “Ҳокимиятлар бўлинишининг тушунчаси ва моҳияти” деб номланган биринчи бобида ҳокимият бўлиниши ҳақидаги таълимотнинг тарихий манбалари, миллий давлатчилигимиз тарихида давлат бошқаруви ва ҳокимият бўлиниши тушунчаларининг қай тарзда ривожланганлиги, ушбу таълимотнинг моҳияти ва тамойиллари очиб берилган.

Ушбу бобнинг “Ҳокимиятлар бўлиниши ҳақидаги таълимотнинг ғарб тарихий манбалари” номли биринчи параграфида ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳақидаги бир қатор назария ва концепциялар таҳлил этилган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ҳар қандай демократик давлатнинг ҳокимиятни ташкил этиш асосида ётувчи ҳам сиёсий-ҳуқуқий доктрина, ҳам конституциявий принципдир. Ушбу доктрина умумий кўринишда қадимги Эллада ва қадимги Рим донишмандлари Платон, Аристотель, Эпикур, Полибий ва бошқалар томонидан таҳлил этилган.

Ҳокимиятлар бўлиниши назариясининг “классик” шакли асосчилари инглиз файласуфи Жон Локк (1632-

1704) ва француз файласуфи Шарл Монтескье (1689-1755) лардир.

Ҳокимиятларнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва федерал турларга бўлиниши, Локкнинг фикрича, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Бунда «барча қонун чиқарувчи ҳокимиятга итоат этади, чунки у қонунларни ўрнатовчи энг олий идорадир»<sup>1</sup>. Ижроия ҳокимиятининг таркибий қисми сифатида қарагани учун, Локк, суд ҳокимиятини алоҳида эътироф этмаган. Монтескье эса «ҳокимиятлар тақсимланиши» деб ном олган бир бутун тугал таълимотни яратган ва у олимнинг 20 йиллик меҳнати самараси бўлмиш «Қонунлар руҳияти тўғрисида»ги асарида ўз ифодасини топган<sup>2</sup>. Унга кўра адолатли давлатда бир-бирига тобе бўлмаган учта: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти бўлиши зарур. Уларнинг ягона орган ёки шахс қўлида мужассамланиши суиистеъмолликларга олиб келади. Фуқароларнинг сиёсий эркинлигига раҳна солади. Бошқарувнинг турли усулларини таҳлил эта бориб, Монтескье сиёсий эркинлик муаммосига ёндашади ҳамда ҳокимият тизими ҳақидаги масалани счишга ҳаракат қилади. Сиёсий эркинлик, қоида тариқасида, ҳокимият суиистеъмол қилинмайдиган мамлакатлардагина мавжуддир. Шу билан бирга, кўп асрлик тажриба кўрсатадики, ҳокимиятга эга бўлган ҳар қандай одам, уни суиистеъмол қилишга мойил бўлади.

Ҳокимиятни суиистеъмол қилиш имконияти бўлмаслиги учун шундай тартиб-қоида зарурки, унга кўра турли ҳокимиятлар бир-бирини ўзаро тийиб туриши мумкин бўлсин. Бундай тартиб ўрнатилган давлатда ҳеч ким қонун руҳсат бермайдиган нарсани қилишга мажбур

---

<sup>1</sup> Дж. Локк. О государстве. СПб. 1902, 46-бет.

<sup>2</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. М. 1955, 157-733 бетлар.

этилмайди»<sup>1</sup>. Монтескье таълимотида алоҳида ўрин тутадиган ғоя - ҳокимиятларнинг мувозанати, тенглиги ҳамда уларнинг «ўзаро бир бирини тийиб туриш ва қарама - қарши таъсир этиш тизими» ҳақидаги ғоядир. Ҳокимиятлар уччала шахобчаси ўртасида шундай муносабат ўрнатилмоғи лозимки, бунда «уларнинг ҳар бири давлат вазифаларини бажариш билан бирга ўз ҳуқуқий воситалари ёрдамида бир-бирини мувозанатга келтириб туради, ҳокимият ваколатларининг биргина муассаса томонидан қонунсиз равишда тортиб олинишини бартараф этади»<sup>2</sup>

Локк ҳокимиятларнинг узвий алоқадорлигини тан олиш билан бирга қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро ҳокимиятдан устунлигини эътироф этган бўлса, Монтескье уларнинг тўла тенглиги, мустақиллиги ва алоҳидалигини ёқлаб чиқади.

Албатта, антик давр файласуфлари ҳам, Локк ва Монтескьелар ҳам ўз назарияларини ўша даврдаги маълум бир ижтимоий-сиёсий гуруҳлар манфаатидан келиб чиқиб яратганлар. Ҳокимиятлар бўлиниши монарх ҳокимиятини чегаралаб қўйиш, демакки, ўзибўларчилик ва бошбошдоқликнинг олдини олишни англатган. Улардан кейинги мутафаккирлар ушбу ғояларни тор синфий манфаатлардан эмас, балки умуминсоний кадриятлардан келиб чиқиб ривожлантирганлар.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “Миллий давлатчилигимиз тарихида давлат бошқаруви ва ҳокимият бўлинишининг ифодаси” деб номланган. Унда Ўрта Осиёда яшаб ўтган алломаларимизнинг давлатни бошқариш, ҳокимият, сиёсат тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган.

Мусулмон Шарқида уйғониш даври ўз чўккисига чиқиб, кейинги тараққиёт босқичини Ғарбга узатди.

---

<sup>1</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. М. 1955, 289-бет

<sup>2</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. М. 1955, 294-бет.

Инсониятнинг шундан кейинги равнақи кўп жihatдан ўша даврдаги маънавий сиёсий муҳитда белгилаб берилган десак муболага бўлмас. Ат-Термизийнинг “Дастур ал-мулк”, А.Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Низомулмулкнинг “Сияр ул-мулк”, Амир Темури тузуқлари, А.Навоийнинг “Хамса” асари каби ўнлаб, юзлаб дурдоналар сиёсат бобида ўзини устивор санайдиган гарб мамлакатларида давлатни бошқаришда яхши қўлланма сифатида ханузгача эътироф этиб келинмоқда<sup>1</sup>.

Боболаримиз бундай асарларни ўн асрлар муқаддам ярата олган эканлар, десакки ўша даврда бунга яраша шарт-шароит, ижтимоий онг ва тафаккур, маданият ва маънавият даражаси, энг муҳими таҳлил ва хулоса чиқаришга зарур ижтимоий-сиёсий тажриба бўлган дейишимиз мумкин.

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб ва бошқа мутафаккирлар эҳтиёжларни тўлиқ қондириш ва жамиятда одамларнинг тўла бахтли бўлишига эришиш учун бошқарувнинг муайян тартиби ўрнатилиши, махсус органлар ташкил этилиши, мансабдор шахслар тайинланиши ёки сайланиши кераклиги ҳақида фикр юритганлар. Уларнинг қарашларида сиёсий ҳокимият илохий ҳаракат натижаси бўлиши шарт эмаслиги гоёси илгари сурилган. Уларнинг фикрича, барча нарса, шу жумладан ҳокимият шакли, уни амалга ошириш усуллари ва бошқа кўрсаткичларни одамлар белгилайди. Ҳокимият сайлаб қўйилиши ёки тайинланиши, бир ёки бир неча кишининг қўлида бўлиши мумкин. Ҳокимиятнинг мақсад ва вазифалари, манбалари ва манфаатлари объектлари турлича бўлиши мумкин.

ХIII асрга келиб кучли марказлашган давлат – Турон

---

<sup>1</sup> Юсуф Хос Хожиб. “Кутадгу билиг”.-Т.: Фан, 1972.

Темури тузуқлари. –Т. 1996.

Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулк. Адолат, 1998.

барпо бўлиши билан Марказий Осиё минтақаси ҳудудида миллий давлатчилик шаклланишига асос бўладиган уч шартдан бири – сиёсий-ҳуқуқий қарашлар тизими шаклланди. Миллий давлатчилик ривожланиши бошланганлигини билдирадиган қолган икки белги – давлат бошқарувининг ҳуқуқий асослари яратилиши ва ягона марказлашган давлат барпо бўлиши Амир Темур даврида тўлиқ намоён бўлди.

Агар Амир Темур давлатининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимига теран назар ташланадиган бўлса, давлат қурилишининг асос бўлувчи вазифалари ҳақидаги замонавий тасаввурлар билан алоқани кўриш мумкин. Амир Темур тарихий сабаблардан келиб чиқиб “давлатцентризм” фалсафаси ва мафкурасини шакллантирди. Бу давлат ўша даврда прогрессив роль ўйнади. Темур “Тузуклари” да ҳар бир фаолият мезонининг аҳамияти давлат нуқтаи назаридан баҳоланган.

Биринчи бобнинг “Ҳокимиятлар бўлинишининг моҳияти ва тамойиллари” деб номланган учинчи параграфда ҳокимият бўлиниши принципининг асосий тамойиллари, ғоялари очиб берилган, шунингдек бошқарувнинг монархия ва республика шакллари таҳлил этилган.

Нормал вазиятда барча демократик мамлакатларда бир-бирига тобе бўлмаган учта ҳокимият - қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари мавжуд. Уларнинг ҳар қандай кўринишда «бирон бир орган ёки шахс қўлида мужассамланиши умумий манфаатларга путур етказди, суистеъмомликларга олиб келади ва шахснинг сиёсий эркинлиги билан асло сиғишмайди»<sup>1</sup>.

Ҳокимиятларнинг тенглиги, мувозанати ва уларнинг «ўзаро бири-бирини тийиб туриш ва қарама-қарши

---

<sup>1</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. М. 1955, 290-бет.

таъсир этиш тизими» ҳақидаги гоя - ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг марказий ғоясидир. «Ҳокимиятларнинг энг мақбул тақсимланиши ўзаро «тийиб туриш ва қарама-қарши таъсир этиш» тамойили ёрдамида таъминланади. Бу тамойил бирон-бир ҳокимият органи мутлақ авторитар мавқега эга бўлишига, ҳуқуқни ва конституцияни поймол этишига йўл қўймайди»<sup>1</sup>. Ҳокимиятлар тақсимланиши принципнинг муҳим жиҳатларидан бири шуки, унда ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи қолган икки ҳокимият субъектининг ҳар бирини назорат қилиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиши керак. Аммо бу назорат устунлик эмас. Назорат ҳуқуқи назорат қилинаётган ҳокимиятнинг конституциявий ваколатларини ўзлаштириб олиш имкониятини бермайди.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши давлат ўз функциясини тўла ва самарали олиб бориши учун, турли вазифалар юкланган давлат органлари бир-бирининг ўрнини босмаслиги, эгалламаслиги ҳамда бир-бирини “тийиб” туриши учун зарур. Турли давлатларда уларнинг бўлиниши ва ўзаро ҳамкорлик усули турличадир, яъни тамойил ягона, бироқ унинг амалга ошириш усули ҳар хилдир. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг шаклланиш тартиби, уларнинг ўзаро муносабати мамлакатдаги бошқарув шаклини ҳам аниқлаб беради. Бошқача айтганда, “ҳокимият турли тармоқларининг ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг қай тарзда тақсимланганлиги ва ҳокимият ташкил этилишининг принципиал схемасини билиш учун, энг аввало бошқарувнинг қандай шакли хусусида гап бораётганлигини аниқлаб олиш зарур”<sup>2</sup>.

Дунёдаги мавжуд давлатлар бошқарув шаклига қараб иккита катта гуруҳга: монархия ва республика шаклларига бўлинади.

<sup>1</sup> Монтескье Ш. Избранные произведения. М. 1955, 289-бет.

<sup>2</sup> Энтин Л. М. Разделение властей: опыт современных государств. М.: Юрид. лит., 1955, 24-бет.

Монархия олий давлат ҳокимиятини монархифодалайдиган бошқарув шакли бўлиб, у одатда тахтга меросхўрлик бўйича ёки умрбод эгаллик қилади. Монархия мутлақ (бунда монарх ягона давлат органидир) ва чекланган (бунда монархдан ташқари олий ҳокимиятнинг бошқа органи ҳам мавжуд) монархияга бўлинади.

Мутлақ монархия шаклидаги давлатларда (масалан Омон, Катар кабилар) ижро, судлов ва қонунчилик фаолияти монарх қўлида мужассамлашган бўлиб, унинг ҳокимиятини ҳеч нарса чегараламайди. Монархнинг ўзи қонун чиқаради, ҳукумат ишини олиб боради ва судловни ҳам амалга оширади.

Чекланган монархия ўз навбатида дуалистик ва парламентар монархияга бўлинади. Дуалистик монархия шаклидаги давлатларда (масалан Қувайт, Иордания) ҳокимият номигагина монарх ҳукумати ва парламент ўртасида тақсимлаб қўйилган. Амалда эса ҳақиқий ҳокимият монарх қўлида бўлиб, у абсолют вето ҳуқуқидан фойдаланади, парламент қонусларига нисбатан монарх фармонлари устун ҳисобланади. Монархга чексиз ваколатлар Оллоҳ томонидан берилган деб ҳисобланади ва у ҳукуматни ўзи тузади, парламентни хоҳлаган пайтда тарқатиб юбора олади. Парламентар монархия шаклидаги давлатларда (масалан, Буюк Британия, Япония, Испания, Швеция, Бельгия, Дания в.х.) монарх давлат бошлиғи бўлсада, бироқ у давлат ишларини бошқариш ва раҳбарлик қилишда реал иштирок этмайди. Монархнинг мавқеи ва ролини “Подшоҳлик қилади, лекин бошқармайди” деган жумла билан изоҳлаш мумкин. Бундай давлатда монархнинг ваколатларини бошқа давлат органи, одатда ҳукумат амалга оширади. Ҳукумат бошлиғи парламентда сайланади ва парламент олдида ҳисоб беради. Парламентар монархиянинг асосий хусусияти ҳукуматнинг парламент олдида сиёсий жавобгарлигидир.

Республика ҳозирги дунёда кенг тарқалган бошқарув

шакли бўлиб, унинг уч кўриниши- Президентлик республикаси, парламентар республика ва аралаш (дуалистик президентлик республикаси) шакли мавжуд. Республиканинг асосий хусусияти одатда президент деб аталган давлат бошлигининг сайлаб қўйилишидир.

Президентлик республикаси шаклидаги давлатларда (масалан АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари в.х.) ҳокимият бир-бирини кузатиб ва “тийиб” турувчи конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига қатъий тақсимлаб қўйилган. Бунда конун чиқарувчи ҳокимиятнинг ўзи конунларни тақлиф этади ва қабул қилади. Ҳукумат қонунчилик ташаббусига эга эмас. Ижро ҳокимияти парламентдан мустақил равишда тузилади ва фақат президент олдида ҳисоб беради, парламент ижро ҳокимиятига ишончсизлик билдира олмади. Суд ҳокимиятининг тўла мустақиллиги кафолатланган. Давлат бошлиғи бўлган Президент давлатни бошқаришда старли роль ўйнайди, шу билан бирга у Конституция ва конунларга қатъий риоя этиши зарур. Акс ҳолда “импичмент” деб номланган жавобгарликнинг махсус шакли юзага келади.

Парламентар республика шаклидаги давлатлар (масалан Германия, Италия, Ҳиндистон, Греция в.х.) Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, марказий ўринни ҳукумат бошлиғи эгаллайди. Президент халқ томонидан эмас, балки парламент ёки сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Бундай бошқарувнинг асосий хусусияти парламентар монархия каби ҳукуматнинг парламент олдидаги сиёсий жавобгарлигидир. Бундай давлатларда ҳукумат қонунчилик ташаббусига эга.

Аралаш, яъни президентлик ва парламентар республикалар элементларидан ташкил топган бошқарув шаклидаги давлатларда (масалан Франция, Ўзбекистон, Финляндия, Швейцария, Польша в.х.) кучли ижроия ҳокимияти мавжуд бўлиб, Вице-президентлик лавозимининг йўқлиги, Бош вазир лавозимининг



мавжудлиги, ҳукуматнинг қонунчилик ташаббусига эга эканлиги билан тавсифланади. Ижро ҳокимияти ҳам Президент, ҳам ҳукумат томонидан амалга оширилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “Мустақил Ўзбекистон Республикасида ҳокимият бўлиниши принципнинг ҳуқуқий асоси” деб номланган. Унда Конституциямизда ҳокимият бўлиниши принципнинг қандай ифодаланганлиги, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятининг мақомлари, ўзаро бир-бири билан муносабатлари ҳамда ҳокимият бўлинишини амалга ошириш йўллари тадқиқ этилган. Ушбу бобнинг биринчи параграфи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ҳокимияти бўлиниши принципнинг ифодалануви деб номланган.

Ҳокимиятлар тақсимланиши - давлат тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатиши, суиистеъмолликларнинг олди олиниши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг химоя этилиши, умуман қонунийлик таъминланишининг мустаҳкам гаровидир. Шунинг учун мазкур принципнинг миллий давлатчилигимиз ҳаётига жорий этилиши катта илмий назарий ва амалий аҳамиятга эга. “Бу принципга амал қилмасдан туриб, ҳеч қачон ҳуқуқий давлатга эришиб бўлмайди”<sup>1</sup>.

Мустақиллик эълон қилинган, республикада давлат органларининг тизими, фаолияти ва структурасини такомиллаштириш янги босқичга кирди. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат Мустақиллигининг асослари тўғрисида» Қонунининг 5-моддасида Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида қурилади, деб белгилаб қўйилди<sup>2</sup>.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг биринчи мустақил Конституциясининг

<sup>1</sup> Каримов И. А. Истиклол йўли: Муаммолар ва режалар. —Т.: Ўзбекистон, 1992. 13-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Конституционное право Республики Узбекистан, сборник нормативных актов. Т. 1995. Т.1. 97-бет

11 моддасида ҳокимиятлар бўлиниши принципининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими - ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади»<sup>1</sup> дб мустаҳкамлаб қўйилиши демократик ҳуқуқий давлат сари қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Унинг мазмунидан шуни кўриш мумкинки, республикада ягона давлат ҳокимияти тизими ташкил этилди. Ҳокимият бўлиниши тамойилининг талабларига биноан республикада ҳокимият ваколатлари турли давлат органларига, чунончи қонунчилик ваколатлари Олий Мажлисга, ижро ваколатлари Президент ва Вазирлар Маҳкамасига, судлов ваколатлари суд органларига тақсимлаб берилди.

Конституциянинг 76-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Олий Мажлисга тегишли барча қоидалар Асосий Қонунимизнинг 13 та моддадан иборат XVIII бобида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ижро этувчи ҳокимият ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва Давлат қўмиталари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир ва айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади.

Конституциянинг XIX бобида Ўзбекистон Республикаси Президентига, XX бобида Вазирлар Маҳкамасига ва XXI бобида маҳаллий давлат асосларига бағишланган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Асосий Қонунимизнинг XXII боби суд ҳокимиятига бағишланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида суд

---

<sup>3</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон, 1999. 7-бет.

хокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши-давлатда ҳуқуқнинг ривожланганлик даражасини кўрсатади, яъни усиз ҳуқуқий давлат ҳам, адолатли қонунлар ҳам бўла олмайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат механизмига жорий қилинган ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили давлат ва унинг тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кучайтириш ҳамда шу асосда давлат ишларини бошқаришнинг бутун механизми самарадорлигини ошириш ва энг асосийси, фақароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга, улар манфаатини таъминлашга қаратилгандир.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфи “Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятлар бўлинишини амалга ошириш йўллари ва муаммолар” дсб номланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳокимиятлар бўлиниши принципнинг мустаҳкамлаб қўйилиши демократия сари қўйилган муҳим қадамдир. Бироқ, Асосий Қонунда бундай норманинг мустаҳкамлаб қўйилиши ҳали уни амалиётда чинакамига қўлланишининг кафолатини бермайди. Ҳокимият бўлиниши принципи тўлақонли амал қилиши учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

1. Барча фуқаролар, мансабдор шахслар, давлат ва жамоат ташкилотлари зарур ҳуқуқий билимга эга бўлишлари, халқимиз Президент, Олий Мажлис, ҳукумат қандай фармон, қарор қабул қилаётганлигидан тўла хабардор бўлиши керак.

2. Фуқаролар инсон ҳуқуқига дахлдор ҳужжатлар ўзларининг ҳаётига нечоғлик таъсир қилишини англаб стмоқликлари лозим.

3. Қонун қандай тайёрланаётгани, улар қандай ишлаётгани ва умуман давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилиши

зарур. Телевидение ва матбуотда ҳуқуқий – маърифий мавзудаги кўрсатувлар, мақолалар мутазам бериб борилиши лозим.

4. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш зарур. “Бу борадаги асосий вазифалар ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этишни кучайтиришдан иборат”<sup>1</sup>.

5. Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг қарор топиши ҳамда фаолиятлари кучайишига ҳар томонлама қўмаклашиш зарур.

6. Оммавий ахборот воситаларининг чинакам “Тўртинчи ҳокимият”га айланишига эришиш, мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва мустаҳкамланишига барча воситалар билан ёрдам бериш зарур.

Ҳокимиятлар тақсимланиши принципини амалиётда қўллашда Республика даражасида жиддий муаммо деярли йўқ. Бундай муаммо асосан маҳаллий давлат ҳокимияти микросида учрайди.

Масалан, Конституцияга биноан маҳаллий жойларда икки мустақил-вакиллик ва ижро ҳокимияти органи мавжуд, лекин ҳокимларнинг ҳам вакиллик ҳокимиятига, ҳам ижро ҳокимиятига бошчилик қилишини белгилашни, фикримизча, ҳокимиятнинг бўлиниш принципи талабига тўла жавоб бермайди. Қонунларда ҳокимларни фақат ижро ҳокимиятига бошчилик қилиши қолдирилиб, уларни вакиллик органлари иштини ташкил қилиш билан

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон, 1999. 17-бст.

боғлик, икки ҳокимият органлари ўртасидаги боғловчи, йўналтирувчи вазифаси қайд қилиниши керак.

Халқ депутатлари Кенгашларининг сессияларига ҳокимларнинг раҳбарлик қилиши ҳам ҳокимиятнинг бўлиниши принципи талабларига тўғри келмайди. Чунки ҳаётий тажрибадан маълумки, раислик қилувчи имконияти борица ўзига маъқул ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Ҳоким сессияга раҳбарлик қилгач, у, аввало, ижро органлари манфаатига ҳос ҳужжатларнинг қабул қилинишига ҳаракат қилади. Шунинг учун сессияга ҳолис кишининг, айтайлик Кенгашда энг кўп овозга эга бўлган сиёсий партиядан сайланган бирон-бир депутатнинг раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

Конституция ва қонунда ҳокимнинг ваколат муддати 5 йил деб белгиланган. Фикримизча, ижро органларига нисбатан бундай аниқ муддатнинг белгиланиши реал эмас. Бу муаммони марказий органлар мисолида ҳал қилинса тўғри бўларди, яъни вазирлар, давлат қўмиталари раислари ва бошқа марказий идораларнинг раҳбарларини тайинланиш муддати белгиланмаган. Ҳокимларга ҳам шу тартиб қўлланилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Диссертация якунида илмий хулосалар ва амалий тавсияномалар берилган.

Ҳокимиятлар бўлиниши тамойили мамлакатнинг конкрет тарихий шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий этилсагина, ҳокимият органларининг мувозанати ва тенглигини таъминлаш мумкин.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясида Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва суд ҳокимияти институтларининг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга бугунги кунда мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласи олдимизда муҳим вазифа сифатида турибди. Бу жараёнда фуқароларнинг

сиёсий, иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсоннинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариши учун тегишли шарт–шароит яратиш, жамиятдаги мавжуд турли манфаатлар, кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, чинакам кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш зарур.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифа “ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституцион принципига амал қилинишини таъминлаш”дир<sup>1</sup>. Қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис ва вилоят, шаҳар, туман Кенгашларининг Конституция ҳамда қонунларда уларга берилган ваколат ва назорат вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишига эришиш лозим. Суд ҳокимиятининг мустақиллигини ва фақат қонунга бўйсунлигини таъминлаш зарур.”Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор”<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда мавжуд барча сиёсий кучлар, давлат ва жамоат ташкилотлари бугунги кунда миллий давлатчилик барпо этилишида ҳокимиятни ташкил этишнинг демократик механизмлари нақадар зарур эканлигини, чунки бу йўл фуқаролар манфаатини, уларнинг ўзаро тенглигини таъминлашга хизмат қилаётганини чуқур англаб етмоқдалар.

Асосий вазифа–ҳокимиятлар бўлиниши тамойилини оғишмай, изчиллик билан ҳаётга жорий этиш ва унга қатъий риоя қилишдир.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон овози. 2000 йил 23 январь. № 11. Президент Ислам Қаримовнинг 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиясидаги маърузаси.

<sup>2</sup> Ўша газета. 2-бет

Диссертациянинг асосий мазмуни муаллифнинг куйидаги илмий ишларида ўз аксини топган:

1. Воҳидов З.Т. Миллий давлатчилик сари. //“Ҳаёт ва қонун”. 1997, 8-сон, 22-25 бетлар.
2. Воҳидов З.Т. Конституциямизнинг асосий тамойили. // “Ҳаёт ва қонун”. 1997, 12-сон, 9-13 бетлар.
3. Воҳидов З.Т. Муҳитдинов М.Н. Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги қафолати. //“Ҳужалик ва ҳуқуқ”. 1997, 8-9 сон, 43-44 бетлар.
4. Воҳидов З.Т. Ҳуқуқий давлат мезони. “Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар”. Истиклолнома рукнидаги тўплам. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 33-37 бетлар
5. Воҳидов З.Т. Ҳокимиятлар бўлинишининг амалий ифодаси. “Ҳуқуқий демократик ислоҳотлар”. Истиклолнома рукнидаги тўплам. Т., “Ўзбекистон”, 1997, 110-122 бетлар
6. Воҳидов З.Т. Ҳуқуқий давлатчиликнинг миллий модели. // “Тафаккур”. 2000, 3-сон, 108-109 бетлар.

*З. Воҳидов*

## РЕЗЮМЕ

Кандидатской диссертации ЗАХИДЖАНА ТАШПУЛАТОВИЧА ВАХИДОВА на тему: “Практическая реализация принципа разделения властей в Республике Узбекистан”.

Диссертация посвящена анализу реализации принципа разделения властей в государственном механизме Республики Узбекистан. Актуальность изучения данной проблемы заключается в широком применении принципа разделения властей в организации государственной власти в современном мире, введении впервые в истории Узбекистана Конституционным Законом “Об основах государственной независимости Республики Узбекистан” этого принципа в отечественную практику.

Диссертация состоит из введения, двух глав, заключения и списка использованной литературы.

Во введении подчёркивается актуальность избранной темы, рассматривается степень разработанности проблемы, цель и задача, научная новизна, теоретико-методологическая обоснованность работы, её теоретическая и практическая значимость, степень апробации.

Первая глава диссертации - “Понятие и сущность принципа разделения властей”, - посвящена раскрытию сущности и понятия принципа разделения властей, его истории политических учений, анализа развития понятий государственного управления и разделения властей в истории национальной государственности.

Во второй главе диссертации, - “Правовая основа принципа разделения властей в Республике Узбекистан”, - анализируются статусы законодательной, исполнительной и судебной властей Республики Узбекистан, вопросы их взаимодействия, проблемы и правовые решения реализации принципа разделения властей.

В заключении даются краткие выводы и приводятся некоторые рекомендации.

По данной проблеме опубликовано 6 научных статей диссертанта.



## S U M M A R Y

Candidate's dissertation ZAHID TASHPULATOVICH VAHIDOV to subjects: «Practical realization of principle of division an authorities in the Republic of Uzbekistan».

Dissertation is denote analysis to realization aprinciple of division an authorities in the state mechanism of the Republic of Uzbekistan. Urgency of studying a given problem is conclude in broad using aprinciple of division an authorities in organizations state authorities in the modern world, introduction for the first time in histories of Uzbekistan by the Constitutional Law «On bases of state independence of the Republic of Uzbekistan» this principle in the domestic practice.

Dissertation consists of introduction, two chapters, conclusions and used literature list.

In introduction is emphasize urgency of elected subject, considered a degree development problems, purpose and problem, scientific novelty, theorist-methodological basis work, its theoretical and practical value, degree to approbations.

The First chapter of dissertation-»Notion and essence of principle of division an authorities»,- is denote opening essence and notions of principle of division an authorities, its histories of political teachings, analysis of development of notions of state management and division an authorities in histories national state.

The second chapter of dissertation,- «Legal base of principle of division an authorities in the Republic of Uzbekistan», - are analysed statuses of legislative, executive and judicial authorities of the Republic of Uzbekistan, questions of their interaction, problems and legal deciding arealization of principle of division an authorities.

The short findings and bring some recommendations were in conclusion of the given dissertation.

On the given problem is published six scientific articles of the candidate.

Сверстано и отпечатано в типографии  
ДП «Академ-Хизмат»®  
Ташкент, пр-т Узбекистанский, 45.  
тел. 132 61 21, 132 65 21  
Тираж 100 экз.